Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 2 февраль, сешанба • № 13 (24.408).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Халқаро «Кураш» Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида

Миллий қадриятларни, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, гуманизм ғояларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олинганлиги муносабати билан Халқаро «Кураш» Ассоциациясининг жаҳон миқёсидаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жаҳоннинг 28 та мамлакати вакилларининг ташаббуси ва бевосита иштирокида Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ташкил этилганлиги эътироф этилсин.

Кураш бўйича миллий ва қитъа федерациялари фаолиятини мувофиқлаштириш, ваколатхоналар ишини йўлга қўйиш, қитъа ва жаҳон биринчиликларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, ўзбек курашини Олимпия ўйинлари қаторига киритиш Ассоциациянинг асосий вазифаси этиб белгиланганлиги эътиборга олинсин.

2. Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ой муддатда Халқаро «Кураш» Ассоциацияси Бош қароргоҳини жойлаштириш учун алоҳида бино ажратиб, уни Ассоциация балансига ўтказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқаро «Кураш» Ассоциациясини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан унинг ҳисоб рақамига 10 (ўн) миллион сўм миқдорида маблағ ўтказсин.

4. Халқаро «Кураш» Ассоциацияси ва унинг Ўзбекистон ҳудудидаги бўлимлари ва корхоналари давлат бюджетига тўланадиган ҳамма турдаги солиқлардан, божхона тўловларидан 5 йил муддатга озод этилсин.

Имтиёзли солиқ олиниши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан кураш спорт турини ривожлантириш ҳамда Ассоциациянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга фойдаланиш белгилаб қўйилсин.

Курашни ривожлантириш ҳомийларининг фойдадан тўлайдиган солиқ базаси уларнинг Ассоциация ҳисобига ўтказадиган маблағлари миқдорига мувофиқ равишда қисқартирилсин.

5. Ўзбек курашини, унинг халқаро анъаналарини, ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида «Кураш» ойлик адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик, ахборот-реклама журнали таъсис этилсин.

6. Оммавий ахборот воситаларига Ассоциация фаолияти билан боғлиқ барча тадбирларни кенг жамоатчиликка етказиш ва халқаро миқёсда тарғиб қилиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 1 февраль

Менда таклиф бор

Минг қўшчига бир бошчи

Ўтган йили мусиқий эстарада санъатида анча-мунча ютуқларга эришилди. Элимизнинг машҳур санъаткорлари дунёнинг нуфузли саҳналарида ўзбек санъатини муваффақиятли намойиш этишди. Лекин бу ҳамма ишлар жойида деган маънони билдирмайди. Чунончи, 1998 йилнинг февраль ойида Наврўз тантаналарини ўтказишга бағишланган йиғилишда Президентимиз миллий эстрада санъатини ривожлантириш кераклиги, унинг бугунги кундаги аҳволи қониқарли эмаслиги ҳақида алоҳида тўхталгандилар. Кейин эса... яна хотиржамлик бошлангандай бўлди. Зеро, миллий эстрадамизнинг бугунги фаолиятини таҳлил этадиган бўлсак, бош масала ҳали тўлалигича ўз ечимини топмаганлиги аён бўлади. Мутасадди ташкилотлар тарафидан санъатнинг бу жанрини ривожлантиришнинг узоқ йилларга мўлжалланган бош концепцияси ишлаб чиқилгани йўқ. Ижодий ташкилотлар ва шу соҳа учун мутахассислар тайёрловчи таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаган. Концерт ташкилотлари тарафидан ўтказилаётган саноқли кўрик-танловлар самарадор ва янги иқтидорли санъат ғунчаларини кашф этишга хизмат қилаётган бўлса, буларнинг барчаси ўзаро тарқоқ ҳаракатлар кўринишида намоён бўлмоқда. Муаммо муаммолигича қолмоқда.

Тошкентнинг кўпдан-кўп майдонларида турли тантаналарда кўп сонли эстрада хонанда ва созандалари ўз санъатларини доимий намойиш этиб келишлари анъанага айланган. Бу концертларда профессионал санъаткорлар билан бир қаторда, ҳаваскор санъаткорлар ҳам иштирок этмоқдалар. Ана шу кўп сонли ҳаваскор ва профессионал эстрада санъати вакилларини бир мақсад сари йўналтирадиган, уларга ижодий ва маънавий раҳнамолик қиладиган уюшма ёки бошқа кўринишдаги ташкилотларга (яъни жамғарма, бирлашма каби) зарурат сезилмоқда. Бугунги кунда республикамизда ёзувчилар, бастакор, мусаввирлар уюшмалари бор. Аммо, эстрада санъати аҳлларини ўз сафига бирлаштирадиган ижодий уюшма йўқ. Бугун соҳага хос муаммоларни таҳлил этиш, ривожланиш йўлларини аниқ белгилаш, ўз вақтида танқидий фикрлар билдириш учун бундай минбарга — уюшмага жуда-жуда зарурат сезилмоқда. Гапни мухтасар этганда, минг қўшчига бир бошчи ҳар ерда зарур.

Одил ҚОРАБОЕВ

Мўлжал

Когонлик геодезчи Самандар Аҳроров — *ЎзА олган сурат*

Бу дунёнинг ишлари

Буюк Британия

АҚШ вице-президенти Альберт Гор билан Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Сербия ва Косово ҳукуматлари можарони тинч йўл билан ҳал этмасалар НАТО томонидан амалга оширилиадиган ҳарбий ҳаракатларда иштирок этишга тайёр эканликларини билдиришди. Альберт Гор айтдики, Қўшма Штатлар ҳозирча Косоводаги тинчлик келишувларини амалга оширишни таъминлаш мақсадида Болқонга қўшин юбормоқчи. Халқаро алоқа гуруҳи Президент Милошевичга ва косоволик жангариларга Франциядa тинчлик музокараларини бошлашни таклиф этди. Кеча эса НАТО иттифоқи Югославияга қарши ҳарбий операцияларни бошлаш ҳақида қарор қабул қилди. Агар қарама-қарши томонлар уч ҳафта мобайнида аниқ келишувга эришмасалар у ҳолда ҳаво ҳужумлари амалга оширилиши мумкин.

Ҳиндистон

Ҳиндистон ва Америка Қўшма Штатлари ядро қуролларини тарқатмаслик масаласида уч кунлик музокаралар олиб боришди. Ҳиндистон ташқи ишлар вазири Сингх ушбу музокараларни жуда фойдали бўлди деб таърифлади. Америка делегациясини давлат котибининг ўринбосари Тэлботт бошқарди. Бу Ҳиндистон—Америка музокараларининг саккизинчи раунди эди. Музокараларнинг асосий мавзуси Ҳиндистоннинг ядро синовларини ман этиш билан боғлиқ бўлди. Ҳиндистон аслида ушбу шартномани имзолашга тайёр. Бироқ уни синовдан ўтказишда энг кам кафолатларда собит турибди.

Туркия

Туркия бош вазири Эжевит Курдистон ишчи партияси раҳбари Ожалан ҳозирги пайтда Италияда турибди, деди. Эжевитнинг айтишига кўра у кеча эрталаб бу ҳақда тегишли ахборот олган. Аввал Ожалан Италияни 16 январь куни тарк этган,деб ҳисобланганди. Курд жамоаси вакиллари эса у Россияга келган, ундан кейин номаълум томонга жўнаб кетган дейишмоқда.

Фаластин

Фаластин—Исроил ўртасидаги келишувнинг бажарилиш муддати ўтиб бормоқда. Шу боис фаластинликлар Америка ва Европа Иттифоқидан Исроил ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этишни илтимос қилишди. Келишувга биноан Исроил Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги аскарларини олиб чиқиб кетиши зарур эди. У босқичма босқич 30 фоиз ҳудуддан олиб чиқиб кетса, фаластинликларга маъқул бўларди. Ундан ташқари 750 нафар фаластинликни қамоқдан озод этиш зарур эди. Фаластинликлар эса ўз навбатида жангари экстремистларга қарши жиддий чоралар кўришлари керак эди. Декабрь ойида ушбу шартномани бажариш масаласи боши берк кўчага кириб қолди. Исроилликлар Фаластин ўз мажбуриятларини бажармаяпти,деб шикоят қилишди. Ҳозиргача Исроил ғарбий қирғоқдан бор йўғи 2 фоиз аскарини олиб чиқиб кетди ва 200 жиноятчини озод қилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 2 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	70,38	1 Польша злотийси	30,72
1 Австрия шиллинги	9,20	1 СДР	155,01
1 Англия фунт стерлинги	183,47	1000 Туркия лираси	0,33
10 Бельгия франки	31,38	1 Финляндия маркаси	21,29
1 Голландия гульдени	57,45	1 Франция франки	19,30
10 Греция драхмаси	3,95	1 Швейцария франки	78,78
1 Дания кронаси	17,03	1 ЕВРО	126,60
1 БАА дирхами	30,37	10 Жанубий Корея вони	0,95
1 АҚШ доллари	111,54	10 Япония иенаси	9,64
1 Миср фунти	32,76	1 Россия рубли	4,94
10 Испания песети	7,61	1 Украина гривнаси	32,55
100 Италия лираси	6,54	1000 Белорусь рубли	0,82
1 Канада доллари	73,82	1 Латвия лати	195,34
1 Хитой юани	13,47	1 Литва лити	27,89
10 Люксембург франки	31,38	1 Молдова лейи	12,74
1 Малайзия ринггити	29,35	1 Қирғизистон соми	3,65
1 Германия маркаси	64,73		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ваколат ва масъулият

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Олий Мажлиси XIII сессияси ҳужжатларини ўрганиш бўйича Олий Мажлис депутати Шуҳрат Жалилов билан учрашув ўтказилди. Йиғилишда маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгаши раислари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирок этди. Йиғилганлар асосан қонунлар лойиҳаларини муҳокама қилишди. Хусусан, маҳаллаларга кенг ваколатлар берилгани, айни пайтда улар зиммасига масъулиятли вазифа юкланиб, қонун билан мустаҳкамлангани, шунингдек, молиявий жиҳатлар тўғрисидаги баҳслар ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

Қ. ОЧИЛОВ

Туман кенгаши пленуми

ХДП Самарқанд тумани кенгашининг пленуми бўлди. Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Туман ҳокимлиги ташкилий ишлар ва кадрлар гуруҳи раҳбари Садриддин Аслиддинов партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Туманда 3153 нафар ХДП аъзоси бўлиб, халқ хўжалиги, ижтимоий сиёсий ва маърифий соҳаларда фаолият кўрсатмоқда. Пленум ишида ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Раҳмонқул Ҳамроқулов қатнашди.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Оқловчи! Нега оқлай олмайсан!!!»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 10 декабрь сонида эълон қилинган «Оқловчи! Нега оқлай олмайсан!!!» сарлавҳали мақола Адлия вазирлиги, вилоят, туман-шаҳар судларида кенг муҳокама қилинди.

Мақола мунозарали бўлиши билан биргаликда суд ислоҳотлари, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини самарали таъминлаш, одил судловни амалга оширишда адвокатнинг ўрни каби катта масалалар кўтарилиши бу соҳадаги ишларни жонлаштиришда ва суд ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда фойдали деб ҳисоблаймиз.

Кўрсатилган масалалар Адлия вазирлигининг доимий диққат эътиборида турибди.

Мамлакатда суд ислоҳотларини амалга ошириш, қонунларни такомиллаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни самарали ташкил қилиш устида Президентимиз И. Каримовнинг топшириғига кўра доимий равишда иш олиб борилмоқда.

Амалга оширилаётган ишларнинг барчасини санаб ўтмаган ҳолда (чунки бу ишлар матбуотдан ҳаммага маълум) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни одил судловни амалга оширишда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда адвокатларнинг ҳуқуқларини оширишга томон ва суд ислоҳотлари борасидаги яна бир сезиларли қадам бўлганлигини кўрсатиб ўтиш кифоя.

Газета саҳифаларида бундай долзарб мавзуларда мақолаларнинг чоп этилиши қонунларни такомиллаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ишларини мукаммаллаштиришда фойдали бўлади деб умид қиламиз.

М. ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари

Ёшлар ва тараққиёт

Ўзбек математикасида муаммо

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги диққатига!

Бугунга келиб ёшларнинг касб танлашларида номутаносиблик яққол сезила бошлади. Иқтидорли талабалар асосан иқтисод, ҳуқуқ, молия каби мутахассисликларни маъқул кўришиб, айнан ана шу йўналишдаги олийгоҳларда ўқишга ҳаракат қилаяптилар. Мамлакатнинг кучи, билим даражасини кўрсатувчи аниқ фанлар эса гўё иккинчи даражали бўлиб қолди.

Табиий фанларда, хусусан, математикада иқтидорли ўқувчи ва талабаларни аниқлаш, уларга катта фан эшикларини очиб бериш учун эса олимпиада асосий усулларидан бири ҳисобланади. Шу билан бир қаторда у юқоридаги номутаносибликка бироз чегара вазифасини ҳам ўташи мумкин.

Аслида Ўзбекистон дунё математикаси марказларидан бири саналишга ҳақли. Аммо, бунга бошқаларни ҳам ишонтириш учун халқаро олимпиадаларда муваффақият қозониш, бизнинг ёшларимиз ҳам кучли билим эгаси эканлигини исбот қилишимиз, бунинг учун эса мустақил мамлакат сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимиздан тўла фойдаланишимиз зарур.

Тарихда математика фанидан биринчи олимпиада роса 100 йил аввал Венгрияда ўтказилган. Республикамизда эса 1936 йилдан бери мактаб, туман, шаҳар, вилоят олимпиадалари уюштирилиб келинмоқда. 1962 йилдан буён республика олимпиадаси, 1967-1991 йиллар оралиғида эса бутуниттифоқ олимпиадалари ташкиллаштирилди. 1959 йилдан то ҳозиргача халқаро математика олимпиада мусобақаси анъанага айланди. У илк бор Руминияда ўтказилган. 1999 йилга мўлжалланган 40-халқаро олимпиада ҳам яна Руминияда бўлиб ўтади.

1991 йилгача халқаро математика олимпиадалари (ХМО)да собиқ иттифоқ жамоаси қатнашар ва унинг таркиби бутуниттифоқ олимпиадаси натижалари асосида тузилар эди. Айрим йилларда бу таркибдан Ўзбекистон вакиллари ҳам жой олган. Иттифоқ парчаланиб кетгач эса 15 мустақил давлатнинг ҳар бири учун халқаро олимпиадада мустақил иштирок этиш ҳуқуқи юзага келди. Аммо, минг афсуски, қолган 14 та мамлакат математиклари бундан тўла фойдаланганлиги ҳолда ўзбекистонликлар то 1997 йилгача ХМОда умуман қатнашмадилар. 1997 йил Аргентинада ўтказилган 38-ХМОда эса илк бор иштирок этган юртдошларимиз 82 давлат вакиллари орасида ўз кучларини синаб кўриб маълум муваффақиятларга эришдилар.

Ҳақли савол туғилади. Нега ўзбекистонликлар шунча вақтдан бери ХМОда қатнашмади? ХМОларнинг аҳамияти спорт олимпиадалари каби жуда катта эканлигини билган ҳолда мавжуд имкониятдан фойдаланилмаслигининг сабаби нимада?

1998 йил 39-ХМО Тайванда ўтказилди. Республикамиз номига расмий таклифнома жўнатилган бўлишига қарамасдан ўқувчиларимиз унда қатнашиш ҳуқуқидан яна маҳрум бўлдилар.

Тайванда яшаш, овқатланиш, маданий экскурсиялар, хулласки, бор сарф-харажат таклиф қилган томон ҳисобидан тўланганлиги ҳолда биздан фақат йўл харажатлари талаб қилинган эди. Аммо тегишли ташкилотлардан керакли маблағ ажратилмади. Юртимиз номининг оламга таралиши учун яратилган қулай шароит кўра-била туриб қўлдан бой берилди. Халқаро олимпиадани қўлтурайлик. Бугун республика миқёсидаги математика олимпиадаларида ҳам муаммолар етарли. ХМОда яхши қатнашиш учун эса аввало мана шу ички олимпиадаларимизни қайта кўриб чиқишимизга тўғри келади.

Хуллас, шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда, бир неча йиллардан бери шу соҳа билан шуғулланиб келган математиклар бугун ушбу мақола орқали Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қуйидаги таклифларни киритишни маъқул кўради. Зеро, биз тавсия этадиган ушбу тадбирлар деярли барча ривожланган давлатларда анчадан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинади.

1. Ҳар йили 6-10 январь кунлари Тошкент шаҳри, ҚҚАР ва вилоят олимпиадаларини ўтказиб, ғолиблар аниқлангач, 22-28 март кунлари Тошкентда халқаро олимпиадада қатнашадиган Ўзбекистон жамоасини танлаб олиш учун республика олимпиадасини ўтказиш. Бунда вилоят, ҚҚАР ва Тошкент шаҳри жамоаларининг олти ўқувчидан иборат бўлиши талаб қилинади. (ХМО тартиби шундай). Олимпиадани эса С. Сирожиддинов номидаги ёш физика-математика академик лицейида ўтказиш мақсадга мувофиқ. (Чунки, лицей маъмурияти билан келишувимиз бор).

2. Апрель, май ва июнь ойларида республика жамоасига танлаб олинган ўқувчилар учун икки ҳафталик машқлар, дарслар уюштирилса. Бунда ТошДУ ва математика илмий-текшириш институти олимлари бажонидил қатнашишларини билдиришган. Ушбу дарслар ҳам физика-математика академик лицейида ўтказилиши мумкин.

3. Республика олимпиадаси ғолиблари, яъни республика жамоаси иштирокчилари кўп давлатлардаги каби олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилинса (хос равишда математика факультетларига деб чегараланиш мумкин). Республика олимпиадасида 1995 йилдан бери амал қилиб келаётган тест усули ўрнига математика фани олимпиадасини ХМО тартибида ўтказишга изн берилса.

4. Олти ўқувчи ва икки раҳбардан иборат Ўзбекистон жамоасининг ХМОда иштирок этиши учун йўл харажатлари мунтазам таъминланиб борилса (келаси йилги ХМО энг арзон услубда қуйидаги харажатни талаб қилади: Тошкент — Истанбул — Тошкент — 90.000 сўм, Истанбул — Бухарест — Истанбул — 100 доллар. Жамоанинг саккиз аъзоси (6 қатнашчи ва 2 раҳбар) учун жами 720 минг сўм + 800 доллар).

Жамоа раҳбари (Team leader) халқаро жюри аъзолигига қабул қилинади. Олимпиада бошланишидан уч кун аввал ташриф буюриб масала тузиш, танлаш ва текширишларда иштирок этади. Раҳбар ёрдамчиси (deputy leader) эса ўқувчиларни олимпиадага олиб боради. Улар билан бирга яшаб, бирга қайтади.

Агар ушбу таклифлар анъанага айлантирилиб, тегишли ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланса, юртимиз жамоасининг юксак натижаларни қўлга киритишига кафолат берамиз.

Халқаро олимпиадаларда қатнашувчи бошқа соҳа вакиллари доч келадиган тил муаммоси эса бизни қийнамайди. Масалалар барчага тушунарли математик тилда берилади ва текширилади.

Энг муҳими, ушбу тадбирлар ўқувчилар орасида математика фанига қизиқишни қайта жонлантиради ва юқорида тилга олинган номутаносибликни бироз даф қилган ҳолда иқтидорли ўқувчиларни математика фанига яна жалб этади. Бу эса Ўзбекистоннинг бир вақтлар бўлганидек дунё математика марказларидан бирига айланиши учун замин, пойдевор вазифасини ўташи тайин.

Бир гуруҳ олимпиадачилар номидан

Носир ҒАНИХЎЖАЕВ,
физика-математика фанлари доктори, профессор,
39-ХМОда иштирок этган Ўзбекистон жамоаси раҳбари

Котибадан ёлчиганмиз

— дейди туман партия кенгаши биринчи котиби С. Жўраева

ХДП ҳаёти

Кейинги йилларда Бухоро вилоятида ҳам айрим қишлоқ хўжалик корхоналари иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиб қолдилар. Аммо, ишбилармон раҳбарлар бор жойда, партия етакчилари ибрат кўрсатаётган жамоаларда қувончли натижаларга эришилаяпти. Фикримиз исботи учун Бухоро туманидаги «Чорбакр» жамоа хўжалиги, ундаги жонкуярлар ҳақида қалам тебратишни жоиз деб топдик.

Аслида бу хўжаликка Хизр назари тушган. Сабаби, буюк пирлар етишиб чиққан бу она-замин ҳар бир ўғил-қизига бутун хазинасини очган. Албатта, меҳр, меҳнат, ихлос, ҳалоллик туфайли. Хўжалик раҳбари Остон Сулаймоновнинг фикри шу. Партия ташкилоти котибаси Мавжуда Фатуллаева ҳам уни тасдиқлайди.

— Агар инсон аниқ мақсад билан ҳалол меҳнат қилса кам бўлмайди. Аммо, унинг иймони бутун бўлмай, эътиқоди палағда бўлса-чи?

Хўжаликда ҳамманинг ўз ўрни бор. Раис, агроном, бригадирнинг ўз йўли бор. Котиб ишёқмас, эринчоқ бўлса — арава бир ерда тураверади. Буни ўз тажрибасида синаб кўрган ва барча раҳбарлик поғоналаридан ўтган Мавжуда юракдан ҳис этади. Шу боис камчиликни кўрса тутоқиб кетади, айниқса аёллар билан ўз тилида гаплашади. Шу боис ҳамма уни тушунади. Ахир, кетмон чопган, китоб тарқатган, хўжалик хотин-қизлари саркори, Шергирон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўринбосари бўлган бу аёл учун ҳамма муаммо аниқ, оилалар таниш. 15 та деҳқон-фермер хўжалиги, 12 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаси, ўнлаб бригада, мактаб, қишлоқларда яшаб меҳнат қилаётган 150 нафар ЎзХДП аъзоси унинг қўл-қаноти, сирдоши, маслаҳатчиси, маслакдоши. 6 та ҳудудий партия ташкилоти орқали уларнинг қувонч-ташвишларидан хабардордир. Ёшларни айтмайсизми? Унга кўмакдош. Ҳар йили ўнлаб ёшлар ўз тақдирларини ЎзХДП тақдири билан уйғунлаштириб келмоқда. 7 та болалар боғчасида «Чорбакр»нинг келажаги вояга етаяпти.

Ҳамжиҳатлик, фидойилик шиорга айланганлиги туфайли котибанинг кўнгли тўқ. Парокандаликка ўрин йўқ. Фақат ютуқни кўпайтириб, қишлоқ аҳлининг турмушини яхшилашга интилиб яшаш — фаолиятининг мундарижаси. Шу боис хўжалик туманнинг олд жамоаси. 1996 йилда хўжалик пахтачиликдан 6 миллион сўм зарар кўрган бўлса, 1997 йил 12 миллион сўм фойда кўрди. Бултур эса қарийб 15 миллион сўм соф фойда эгаси бўлишди. Ялпи ҳосил салмоғи 4409,6 минг тоннани ташкил этди. 1145 гектар ернинг ҳар гектаридан 39 центнердан ҳосил олинди. Дон, пилла, чорвачиликдан ҳамманинг кўнгли тўлгани — даромад кутилганидан зиёдалигидадир.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳудудий партия ташкилотларини партия ишида катта тажриба тўплаган жонкуярлар бошқаришмоқда. С. Наимов, О. Саидов, С. Ашурова сингари котиблар партия аъзолари ўртасида турли тадбирларни ташкил этмоқдалар. Маърифат марказлари иши давр талаби даражасида ташкил этилган. Оила йилида ўтказилган қатор тадбирлар ҳамманинг эсида қолди.

— Котибамиздан ёлчиганмиз, — дейди туман партия кенгаши биринчи котибаси Саида Жўраева. — Ўз фаолиятида меники, сеники демайди. Ҳар ишда бош-қош. Шундай аёлларимиз борлиги учун ҳам туманда партиямиз обрўси ва нуфузи ошиб бормоқда. ХДП аъзоларидаги ташаббускорлик, ислоҳотларга масъуллик руҳи кучайиб бормоқда.

Ҳа, Маҳмуд Нурмуродов, Одил Маҳмудов, Рустам Абдуллаев сингари бригада бошлиқлари ХДП аъзоси сифатида ҳам, юқори ҳосил

устаси сифатида ҳам ҳаммага ибратдирлар. Жамоат ташкилотлари эса партия ташкилотлари билан ҳамкор-ҳамнафас. Шу туфайли ҳам хўжалик партия ташкилотининг юки ерда қолмайди. У ҳамиша эл бошини қовуштириб Ўзбекистонимизнинг буюк келажаги учун муносиб ворислар тарбиялашга қодир, албатта.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Президентга журналистлар мукофоти

Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Мандела Германия оммавий ахборот воситалари мукофотига сазовор бўлди. Германиянинг Баден-Баден шаҳрида Н. Манделага ушбу мукофотни топшириш маросими бўлиб ўтди. Ҳайъат қарорида кўрсатилишича, қора танли халқлар тенглиги учун курашгани ҳамда бу борадаги фаоллиги учун ЖАР Президенти шундай мукофотга лойиқ топилган.

Бир тоннадан ортиқ кокаин ушланди

Американинг Нью-Жерси штати полицияси бир тоннадан ортиқ кокаин моддасини фош этди. Полиция маҳкамаси ходимлари бундан бир неча кун олдин гиёҳванд модда АҚШнинг шарқий шаҳарларидан бирига олиб келиниши ҳақидаги хабардан воқиф бўлган ва кузатув ишларини бошлаган эди.

Хабарда айтилишича, Техаснинг Идалго шаҳридан Нью-Жерси штатининг Сикокус шаҳрига олиб келинаётган карам жойланган қутилар ичидан топилган 1100 килограммлик бу кокаин «қора бозор»да тахминан 240 миллион АҚШ долларига тенг, деб баҳоланмоқда. Кокаин АҚШга Колумбиядан келтирилган деб тахмин қилинмоқда. Мазкур жиноий иш бўйича етти киши ҳибсга олинди.

Қутбга чанғида боришди

Австралиялик Эрик Филлипс ва Жон Мойр ҳамда Янги зеландиялик Питер Хиллари четдан ҳеч қандай ёрдам олмасдан чанғиларда Жанубий қутбга етиб борди. Улар Антарктиданинг ниҳоятда оғир шароитида деярли уч ой давомида 1500 километрга яқин масофани босиб ўтишга муваффақ бўлишди.

Қутбчилар Жанубий қутбга икки ойда етишни мўлжаллаб, Янги Зеландиянинг Антрактидадаги Скотт базасидан йўлга чиққан эди. Бироқ кучли қор бўронлари сафар муддатининг деярли бир ойга чўзилиб кетишига сабаб бўлди.

Зилзила оқибатлари тугатилмоқда

Колумбияда бир неча кун олдин содир бўлган ер силкиниши оқибатларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда. Энг кўп талофат кўрган Армения шаҳрида ҳам электр энергияси таъминоти тикланди.

Мамлакат Қизил хоч қўмитаси вакилининг айтишича, фавқулодда ҳолат эълон қилинган ҳудудларда ҳаммаси бўлиб 879 киши ҳалок бўлган, 3400 киши турли даражада жароҳатланган. Зилзила оқибатида 250 минг киши бошпанасиз қолган. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, табиий офатдан талофат кўрган ҳудудларни тиклаш учун 500 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ керак бўлади.

(ЎзА)

Ядровий ёқилғи келтирилишига қарши

Ядровий технологиялардан фойдаланишга қарши бўлган халқаро ташкилотлардан бир гуруҳи Япония ҳукуматидан мамлакатга ядровий ёқилғи келтириш ниятидан воз кечишни талаб қилди. Япония ҳукумати бу ёқилғини маҳаллий АЭСларда ишлатишни мўлжаллаётган эди. «Гринпис» халқаро экологик ташкилоти, Фуқаролар ядровий ахборот маркази, "Яшил тадбир" ҳаракати вакиллари имзоси чекилган мурожаатномада Япониянинг шубҳали ядровий дастури ҳеч нарса билан оқланмаслиги таъкидланиб, мамлакатга ядровий ёқилғи келтириш атроф муҳит барқарорлигига путур етказиши, кишилар саломатлигини хавф остига қўйиши ва ядровий технологиялар тарқалишига йўл очилиши хавфини туғдириши қайд этилади.

Маълумотларга қараганда, Япония Буюк Британия ва Франциядан 40 контейнер аралашган оксид ёқилғиси келтириш ниятида. Бу ёқилғининг таркибида катта миқдорда плутоний бўлиб, уни қайта ишланганда ўта қисқа муддатда ўнлаб атом бомбаларини яратиш мумкин.

Франция ва Буюк Британиядан келадиган кемаларнинг ҳеч қандай ҳимоясиз, ҳарбий кемалар ҳамроҳлигисиз йўлга чиқиши ҳам мурожаатнома муаллифларини ташвишга солаётир. Бу 1987 йилда имзоланган АҚШ — Япония битими шартларига зиддир. Ҳужжатда бундай хавфли юк, албатта, барча хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда ташилиши лозимлиги қайд этилган.



Корея осмонўпарлари



Шарқ меъморчилиги намуналаридан бири

Ер ости «саёҳатчи»си

«Чин инсон қисса»сини кўпчилигимиз ўқиганмиз. Икки оёғидан яраланган учувчи эмаклаб қанча масофани босиб омон қолади. Тўғри, ўқиганмизу, аҳамият бермагандирмиз. Лекин бир кун асқотади, дея ўқиганлар ҳам бўларкан. Легионда солдат бўлишни орзу қилган россиялик (шахси аниқ айтилмаган) одам бир кунига «асқоттирди». Яъни тўрт кун эмаклади. Қандай қилиб?

Франция чегарачилари ҳеч кутилмаган ердан-ер остидан ўтган «чин инсон»ни ушлашди. Аниқроғи, чегарачилар шунақа деб ўйлашди. Маълум бўлишича, собиқ СССР фуқароси, 26 ёшли россиялик кимса шанба куни Англиядан «эмаклаб» чиқиб, сешанбада Францияда «пайдо» бўлганди.

Қалин туман билан қопланиб турувчи Альбиондан то Франция чегарасигача давом этадиган Ла-Манш ер ости йўлининг чиқишида ҳибсга олинган одам ўзини «саёҳатчиман» деб таништирди. «Саёҳатчи»нинг асл мақсади Франция чет эл легиони сафига кириш экан.

Легионда хизмат қилишни орзу қилган кимса кундузи ҳаракат чоғида ер ости йўли бўйлаб эмаклаб йўл юрган. Хавфсизлик хизмати навбатчилигининг тунги назорати пайтида эса йўлнинг равоқига беркиниб ётишга мажбур бўлганди. Бундан хабар топган Евротоннель дирекциясидагилар ҳанг-манг бўлиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишди. Ҳеч тасаввурга сиғмайди. Соатига 150 километр тезликда поезд вагонлари пайдар-пай қатнаб турган бир шароитда қандай қилиб эмаклаб йўл юриш, юргандаям мўл юриш мумкин?!

Мулоҳаза

Лаёқат

ёки комиллик фалсафаси

Борликдаги жамики мавжудот ички туйғу ёрдамида шартлилик асосида сезиш қобилиятига эга. Узоқ жойларга адаштириб келинган ҳайвонлар ўз уйига ички сезги орқали албатта қайтиб келади. Шунингдек, ҳар бир ҳайвон тури ўз қавмдоши билан маълум товушлар орқали «дардлашиб» туришади. Яқинда олимлар Жанубий Африка жирафалари, Австралия жирафаларига қараганда «сўзлашув» товушларининг бошқача оҳангида «сир»лашишини матбуот орқали айтишди. Ё қудратингдан, ҳайвонларда ҳам ўлик тиллар, муомаладаги тиллар, эл-элат, уруғ, миллат бўлсая?

Ҳайвонот дунёси каби набототда ҳам олимларимиз зукколашгани сайин ажиб сирлиликлар мавжудлиги аниқланаяпти. Қаранг, ёнғоқ дарахти ёнига гилос ё анжир экишса унчалик ривожланмас экан. Олича ҳам алоҳида эътибор талаб қиларкан. Дарахтларнинг бир иқлимга мослашуви, иккинчи иқлимга мослашмаслиги, гулида, мевасида дарров ўзгариш сезилиши ёки бутунлай қуриб қолиши қизиқ, улар ҳам жой танлармикин? Наҳот уларда ҳам Ватан бўлса? Дарахтларда ҳам руҳ мавжуд деганлари ростмикан? Ахир гул чангланмаси мева тугмаслигида маълум маънода жуфтлик аломати мавжуд. Бу нима?

Борлиқнинг тугал мавжудоти инсон ҳам ички ва ташқи тузилиш жиҳатидан барча яралганларга ўхшаш. Аммо унинг ташқи ҳушбичим қиёфаси, балодек ақли уни ҳазрати инсонга айлантирди. Яратгувчининг ибтидосида яралгувчининг интиҳоси борлиги рост. Инсон ақл-заковати билан дунёни бошқаради. Умуман борлиқнинг такомиллашувида ўзига хос вазифа бажаради. Мен бир пайтлари ўтмишда яшаган алломалар ҳақида чиқарилган китобни ўқигандим. Унда бир аллома: «Борликда ҳамма нарса инсон учун қурбон, инсон эса ўз-ўзига қурбон», деган эди. Гарчи бунинг маъносига ҳозир ҳам тўла тушунмасамда, ўшанда мени ҳайратлантирганди. Ахир қайсидир мамлакатда аҳолининг энг тансиқ таоми қурбақа эканлиги оммавий ахборотлардан маълум. Ҳатто Филиппинда қалдирғоч уясини ўзининг энг қадрдон меҳмонига таом сифатида кўяркан. Бошқа ўт-ўланлар, жониворлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ҳа, барча нарса инсон учун яратилган. Лекин инсон ўз-ўзига қурбон дегани нимаси?

Ривоят қилишларича, бир шайх йўлда кетаётса йўл чекасидаги тут тагида жулдур кийинган девона тоғорага сув тўлдириб термулиб ўтирганмиш. Шайх сўрабди: «Эй, девона нима иш билан машғулсан?» Девона: «Ойни томоша қилаяпман», — дея жавоб берибди. Шайх ажабланиб: «Сабр қилсанг, кўк тоқида аслини кўрасан. Нега уни тоғорадан излайсан», — дебди. Девона эса бамайли хотиржам: «Тоғора — бу дунё. Сув вужудим. Ой эса руҳим. Мен вақт ўтгани сайин умр қайси довонда нурланиб, қайси довонда хиралашишини кузатаяпман», — дебди. Буларни ҳақиқат ахтарувчилар деб қўйишади.

Ривоятнинг моҳиятида ўзликни англаш, тўғрироғи ўзликка етишиш ётади. Ўзлик асли нима? Таҳаййулга эътибор қилинг, одамлар орасидасану аммо ёлғизсан, Ватандан ташқаридасану ватан сенинг ичингда. Тош йўлда кетаяпсану кўм-кўк далани, адирни бағирлайсан. Ажиб ҳолатлар, худди кўнгил йиғлайдию кўзларда нам йўқ, дегандай. Баъзи дарахтлар тупроқнинг остида томирласа, баъзиси устида томирлайди. Шунингдек баъзи одам инсонийликнинг ичида илдиз отса, баъзиси ташқарисида илдизлайди. Худди ҳар икки дарахт тупроққа интилиб яшаганидек, одамлар ҳам инсонийликка интилиб яшашади. Хўш, нега унда барча баробар инсон бўлавермайди? Қайсидир ташқи таъсирнинг тазйиқида киши ҳаракати бирда ойдинлашса, бирда хиралашади, яъни мавҳумлашади. Лекин барибир ўша ташқи куч хоҳишида олдинга интилаверади. Демак, инстинкт одамга ҳам хос нарса. Агар фикрлар мулоҳаза қилинса, ўзликни тушуниш, унинг моҳияти мантиққа асосланган эканлигини, дунё шунчаки келиб-кетадиган работ эмаслиги равшанлашади.

Бир ҳикоятда айтилишича, қадим замонда яшаб ўтган бир подшонинг уч ўғли бўлиб, подшо кенжа ўғлини ортиқча суяр, унга ҳукмронлик лайоқатининг барча сир-синоатларини ўргатишга алоҳида эътибор қаратар экан, кенжа ўғил ҳар соҳада баркамол бўлиб вояга етибди. Энди ён-атрофдаги хонликлар бу подшолик билан ҳисоблашишга мажбур бўла бошлашибди. Кунлар ўтгани сайин кенжа ўғилнинг шонш-шуҳрати ортиб бораверибди. Тўнғич ўғил эса отасининг умр карвони манзилга етганда тахт ўзига қолмаслигига тобора ишонч ҳосил қилаверибди. Оқибат ўзига содиқ йигитлар билан тил бириктириб, тожу тахт учун қилич яланғочлабди. Чархнинг бевафолигини қаранг, омад ўғилга қулиб боқибди. Ота шаҳид кетибди. Тўнғич ўғилнинг илк ҳукми олийси ўз укасини қатл этиш билан бошланибди. Чунки, укасининг халқ орасидаги обрў-эътибори ўзиникидан баланд, кучқудрати ҳам юксак экан-да. Подшоликнинг бир ғалати одати бор, онадан туғилганида мамлакати ҳудудининг бир четидан думалатсангиз сўнгги нафасини олганда нариги ҳудудига етиб бормаган бўладию яна шоҳликлар билан ер талашади, тахт талашади. Шу тариқа қонли тўқнашувларда тўнғич ва ўртанча ўғиллар ҳалок бўлиб, бобосига насиб этмаган тахт қўшни мамлакат подшоҳига вақтинча насиб этибди.

Ҳар бир инсон ўзлигини англаб етиши, ҳаёт моҳиятини фаҳмлаши учун неча йил вақт сарфлаши керак, қизиқ. Гоҳ катта оқимда бамайлихотир кетаётган, парвойи фалак, гоҳ танасининг очиқ жойларини тиконлар тирнаган чакалакзорда жонҳалак, гоҳ балчиқдан бир оёғини тортиб олса иккинчи оёғи ботиб кетаётган саргардон одамларни кўриб, бир умр етмаса керагов деб қўяман. Инсоннинг ташқи аъзолари худди ички аъзолари каби етти қисмдан иборат, яъни ташқи аъзолари: бош, икки қўл, кўкрак, уча ва икки оёқ. Ички аъзолар: мия, юрак, ўпка, жигар, қора талоқ, сўлак безлари ва буйрак. Ўзликни англаш еттиликнинг сир-синоатига, моҳиятига етишми, ички ва ташқи аъзоларнинг фаолиятини ўрганишми, нима у?

Сулаймон пайғамбар кўч-кўрони, аркони давлати билан адирлик йўлда келарди, йўл ёқасидан кулбасига дон ташиётган чумолиларга, яъни кўч-кўрони, аркони давлатига қараб: «Қочинглар, қочинглар Сулаймон келаяпти! Йўқ-са, у сизни топтаб ўтади», — дейди подшоси. Сулаймон эса жамики жонзотлар тилини биларди. У чумолига қараб: «Эй нодон, мен сенинг ҳам ҳожангман! Нега мен ҳақимда ўз қавмингда нотўғри фикр уйғотаяпсан?»— дебди. Чумоли: «Эй, мулки олам эгаси, сиз раиятнинг осойишталиги, олам машварати бирла бандсиз. Биз бир митти жонзотмиз, ногоҳ кўзингиз илғамай бирор қавмимни босиб, гуноҳига қолманг дедим-да», — дебди.

«Муҳаббат қалбни поклайди», покланиш ўзликни англашми, ўзлик сари бир қадам дейилса тўғрими ё. Сўлак безлари ошқозонга тушган озуқани қайта пиширади ва вужудга кераклисини, энг сарасини жигарга узатади. Жигар ўз навбатида озуқа қаймоғини қайта пишириб юракка узатади. Юрак жигардан келаётган қуюқ қонни қайта ишлаб, қаймоғини мияга узатади. Мия эса махсус томирлар орқали тананинг кўп ва кам ҳаракатчан қисмларига меъёрий қонни етказиб туради. Балки, қалбни поклашни жиғилдондан бошлаш керакдир? Боболар: ўз нафсига қул бўлган энг хор одам, нафсига ҳоким одам олам шоҳидан-да шоҳдир, дейишган-ку. Ўзлик нима ўзи? Руҳми ё вужудми? Ё иккисими? XIII аср мўғул босқинидан кўчиб юрган Султонул Валаддан сўрашди: «Қайдан келасан, қайга борасан?» Валад жавоб берди: «Ғойибдан чиқибмиз, ғойибга борурмиз». XIII асрнинг иккинчи ярми, Жалолиддин Румийдан сўрашди: «Боязид Бастомий улуғми ё Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаламми?». Румий жавоб берди: «Албатта пайғамбарда!». Яна савол беришди: «Унда нега Бастомий «Мен улуғман, шон-шарафга тўлуғман...» дея ҳайқирди. Пайғамбар эса «Кунига етмиш ракаат намоз ўқийман, ҳар ўқиганимда юрагимни зангини тозалаб оламан деди». Румий жавоб берди: «Бастомий бир чўққини забт этди, ундан нарида ҳам чўққи борлигини кўрмади. Шу сабаб ҳайқирди. Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи вассаллам эса ҳар ракаат намозда янги-янги чўққини забт этаверди. У бир кунда Бастомий эгаллаган чўққидан етмиштасини эгалларди».

Ҳа, демак инсон аввал юракни поклаши шарт экан. Руҳшуносларнинг айтади: «Нафс ва ҳирс қалбда жойлашади. Уни доим жунбўшга солиб туради». Покиза юракда эзгулик, инсонийлик шаклланади, вояга етади. Пиндик ёрган куртак каби юрак ҳам ўз қобиғидан чиқа олса, оламни ҳиссиётнинг мунаввар нигоҳи-ла англай бошлайди. Одам Ато ва Момо Ҳавводан тарқаган қавмнинг моҳиятига етади. Миллат шаклланади. Ўзликни англаш нечоғли машаққат.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Кўчаларда Сибир йўлбарси

Қутилмаганда шаҳар кўчаларида пайдо бўлган Сибир йўлбарси АҚШнинг Нью-Жерси ва унга қўшни Нью-Йорк штатларида катта шовшув келтириб чиқарди. Мазкур штатларнинг полиция маҳкамаси ва федерал қидирув бюроси вертолётлар, қоронғида кўрадиган мосламалар ёрдамида хавфли йиртқични топишга муваффақ бўлишди. Дастлаб уйқу дориси жойланган камон ўқлари йўлбарсга таъсир қилмагач, мерганлар уни жанговар ўқ билан отиб ўлдиришга мажбур бўлди.

Нью-Жерси штатига йўлбарс қандай келиб қолгани ҳозиргача ҳам ноаниқ бўлиб турибди. Чунки полиция маҳкамаси томонидан барча ҳайвонот боғлари ва цирклар текширилганда, уларда Сибир йўлбарси умуман бўлмагани аниқланган. Мутахассислар штат фуқароларидан бири йўлбарсни кичиклигида олиб келган ва улғайгач, ундан қутулиш учун озодликка чиқариб юборган бўлиши мумкин, деб тахмин қилишмоқда.

Киллер дельфинлар

Инсон оламдаги энг оқил ва энг жоҳил мавжудот, дея гоҳида ўзимизга ўзимиз баҳо бериб қўямиз. Унинг навбатдаги хатоси ҳам, назаримда, ана шу баҳога лойиқдек туюлади.

Америкаликлар Вьетнамга қарши уруш олиб бораётган вақтда денгиз сут эмизувчиларидан ҳам ҳарбий мақсадларда фойдаланиб кўришди, яъни энг беозор, хотиржамликни севадиган жонивор — дельфинларни, куроллантириб, душман кемасига қарши суздиришди. Ўзи минг бир кўйга солинаётган жонивор ёнидаги «онгли маҳлуқ» — инсоннинг асл мақсадини билмайди ва лекин кемага яқинлашгач, у билан баравар портлаб кетади.

1967 йил Севастополдан унчалик узоқ бўлмаган жойда «Қизил китоб»дан ўрин олган бу жониворлар билан ана шундай машғулотлар ўтказила бошланди. 90-йилларнинг бошларига қадар собиқ СССРдаги ҳарбий денгиз флотларида 100 га яқин солдат-дельфинларни тайёрлаб борилди. Фақат «совуқ уруш» ниҳоясига етиб, ўз вақтида жаҳонни бошқариб турган катта куч — СССР парчалангач, бу дельфинлар кераксиз бўлиб қолди.

Германияда чоп этиладиган «Шпигель» журналининг хабар беришича, мана неча йилдан буён Россия фанлар Академияси ва Украина давлат океанариум ташкилоти Кримда ана шу киллерларга айлантирилган дельфинларни экспорт қилиб келмоқда. 1990 йилдан 1997 йилга қадар ана шу дельфинларнинг 43 таси Аргентина, Чили, Венгрия, Исроил, Туркия каби мамлакатларга экспорт қилинди. Афсуски, бу дельфинларнинг аксарияти янги шароитларга кўника олмаяпти, бир қанчаси ҳатто ҳалок бўлган.

Нима бўлганда ҳам ҳайвонот оламига инсон меҳр-шафқат билан қараши лозим. Худди шу сингари дельфинлар ҳам ҳарбий мақсадларда қўлланиладиган «қурол» эмас, балки инсонга содиқ дўст бўлиб қолгани маъқул.

Фарида МАҲКАМОВА тайёрлади

Қоракўз Мажнун

Саид АҲМАД

(Ҳикоя)

Қуръони каримдан:

«Сизлардан қайси бирингиз ўз динидан қайтса ва шу кофирлигича ўлса, бас, ана ўшаларнинг (қилган савобли) амаллари ҳабата (бекор) бўлур, улар дўзах аҳлидурлар ва у ерда мангу қолурлар»

(Бақара сураси, 217-оят)

1

Саодат ая бомдод намозини ўқиб жойнамоз пойида узоқ ўтириб қолди. Бундан уч йил олдин оламдан ўтган эри уста Туробга атаб Қуръон тиловат қилди. Ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга худодан инсоф тилади. Бахти очилмай, гулдек умри хазон бўлаётган қизи Қумрига ачиниб, шу фаррихтагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижо қилди.

Кампир ҳар саҳар ички бир эзгинлик билан шу гапларни такрорларди. У қўл чўзиб жойнамознинг бир бурчини қайириб ўрнидан турди.

Сентябрь оёқлаб, сувлар тиниққан, ариқ тубларидан бола-бақра ташлаб юборган пиёлами, чойнак қопқоғими, қошиқми шундоққина кўриниб турибди. Қирғоқлар зах тортиб, экин-тикин сув сўрамай қўйган палла.

Қўшни ҳовлилардан мактабга кетаётган болаларнинг инжиқликлари, хархашалари, оналарнинг ялиниб-ёлворишлари эшитилиб турибди. Кампир бу товушларга бир дам қулоқ тутиб, бошини тебратиб, кулиб қўйди.

Саодат ая ёшлигида жуда чиройли қиз бўлганди. Сочлари тақимини ўпарди. Тараганда шамшод тароқ ушлаган қўллари сочининг учигача етмасди. Ярмини қисмлаб туриб, буёғини тарарди. Опаси бу сочларни қирқта қилиб ўрганда яна шунчаси ортиб қоларди.

— Э, сочинг қурсин! — дерди опаси. Қўлларим толиб кетди, сочингни ўрдиришга одам ёллаш керак.

Кўчада амиркон махси-ковушни ғирчиллатиб, сочларини селкиллатиб юрганда қараган ҳам қарарди, қарамаган ҳам. Ёш қизалоқлар орқасидан келиб сочларини кўзига суртиб қочишарди.

Мана, йиллар ўтиб соч ҳам оқарди, сийраклашди-ю, барибир ўша узунлигича қолди. Учига бирор нарса тақмаса ҳурпайиб бўйни, елкаларини тутиб кетади. Шунинг учун ҳам у сочининг учига ўғри тутар сандиқнинг калитини осиб қўяди. Сандиқни очаётганда калитни ечиб олмайди. Сочи узун бўлганидан тиззаласа калит бемалол қулфга етади. Энди янги уйларга сандиқ урф бўлмай қолди. Ҳамма уйни пўрим жавонлар босиб кетди. Бундан ташқари, қулфни даранглатиб очадиган калитларни ясайдиган усталар қолмаган.

Кампирнинг сочлари ҳамон ёшлигидагидек. Фақат ярмидан кўпи оқариб кетган. Орқасига ташлаб қўядиган, учи бирлаштирилган икки ўрим сочининг учига эрининг фронтдан олиб келган оғиргина медалини осиб қўйган. Тайёр илгаги ҳам бор, сочни пастга тортиб туради.

Ҳовлининг ярмига яқин жойга тангадек офтоб туширмайдиган қари тут барглари сарғая бошлаган. Қуриган шохига баҳорда илиниб қолган варраknинг қамиш қовурғалари скелетдек бўлиб турибди. Фақат узун латта думи шамолда илондек тўлғонади.

Шу тут тагида бир оппоқ ит супурги устида ухлаб ётибди. Кичкинагина, белида белбоғдек иккита — бири қора, бири жигарранг чизиғи бор. Худди кимдир атайлаб бўяб қўйганга ўхшаб кўринади. Тумшуғи билан икки кўзи қоп-қора. Бир кўзнинг тепасида тўмтоқ қоши ҳам бор. У кампирнинг оёқ товушидан бир кўзини эринибгина очдию чалаярим керишиб, яна уйқуга кетди.

— Ҳа-а, жонингни хузурини билмай ўл-а! Супургиниям ҳаром қилдинг.

— Кўй, уришма опаси, Қоракўз ҳали бола-да!

— Нима деяпсиз, ойижон! Бу ит ўлгурга мен нега опа бўларканман?! — деди Қумрихон нолиб.

— Агар Қоракўзни яна супурги билан урсанг, унга косов отсанг, билиб қўй, укаларингникига кетиб қоламан.

— Вой, ойижон-эй, ит ўлсин, одамдан азиз бўлмай! Шу итни деб бизни ташлаб кетмоқчимисиз? Кўйинг-э!

— Шу билан овуниб юрибман. Қаёққа борсам ёнимда. Бир қадам нари кетмайди. Менга айтчи, укаларинг, сингилларинг ҳафтада бир хабар олса олади, олмаса йўқ. Касалхонада ётганимда шу итгина кўкрагини қорга бериб ҳовлида бир ой дераза тагида ётган. Сенлар кўни-кўшнининг қистови билан бир-икки хабар олдиларинг, холос.

— Ойижон, қўйинг энди... — деди Қумри норози бўлиб.

Итнинг бир қулоғида, бўйнида, оёқларида қон қотиб қолган эди.

— Аҳмоқ! — деди кампир. — Қаёқларда санқиб юргандинг?! Яна маржабозликка бордингми? Мажнун бўлмай кеткур! Аҳволингни қара, хотин талашиб роса таъзирингни ебсан-ку! Э, ўлманги-на, шилинмаган жойинг қолмапти... Энди ўзингдан кўр, Мажнун, яраларингга дори суртаман. Илло, дод демайсан!

Қумрихон итнинг бўйнидан босиб турди, кампир яраларига йод сурта бошлади. Ит ғингшийди, ингиллайди, Қумрихоннинг қўлларини тишламоқчи бўлади.

— Ана, бўлди. Энди овқатингни берамиз.

Бир ойдан бери ўғли сурункасига кампирнинг тушига киради. На ётишида, на туришида ҳаловат бор. Ўғлини ўйлагани ўйлаган. Ёши саксонга яқинлашиб, куч-қувватдан қола бошлаган, боламни кўрмай ўлиб кетаманми, деб куйиб-ёнади.

Ўғли Бўрихон олтмиш еттинчи йили армияга кетган. Ҳарбий хизмати тугади ҳамки уйга қайтмади. Ўшаёқларда уйланиб бола-чақали бўлиб, қолиб кетди. Баъзи-баъзида ундан «Я здоров» деган икки энликкина хат келарди. Яқин ўн беш йилдирки, адресни унутиб қўйганми, ишқилиб, шу ўрисчагина хат ҳам келмай қўйган.

Кампир қўни-қўшниларникига ҳам чиқмайди. Уйда ўтираверib қон бўлиб кетади. Баъзан кийим-бошларини апил-тапил тугиб ўғиллари ё қизларидан бириникига отланиб қолади.

Барибир борган жойида ҳам ҳаловат топмайди. Қизи Қумрихонни ўйлаб қайтиб келади. Қумрихоннинг бахти чопмади. Икки бор турмуш қилди, фарзанд кўрмади, қайтиб келди. Бирон жойда ишлаб овунай деса ҳайҳотдек ҳовлига, мункиллаб қолган онасига ким қарайди. Ака-укалари, сингиллари: — Опа, қўй, ишлама, тирикчилигинг бизнинг бўйнимизда, онамга қара, деб қўйишмади.

Кампирнинг ўғиллари бизникида туринг, ойи, деб худонинг зорини қилишса ҳам, отанг чиққан уйни ташлаб кетолмайман, мен ҳам шу уйдан чиқазиламан, деб кўнмади.

Кампир жуда доно хотин эди. Болаларим ҳафтада бир марта хабар олишса, етти кун уйим тўлади, албатта улар қуруқ келишмайди, шу баҳона Қумрининг ҳам куни ўтади, дея қадрдон уйидан жилмасди. Оналар шунақа — бахти чопмаган боласи билан бирга бўлади.

Ўтган йили ўтли-шудли, ҳар иш қўлидан келадиган невараси Анваржон, тоғамни топиб келаман, деб чиқиб кетди. Шу кетганча йигирма кун деганда дарагини топиб келди.

Бу гапдан хабар топган қўшни хотинлар кампирни қутлагани кирдилар.

— Бувижон, ташвишланманг, тоғамнинг ишлари «беш». Рўзғори бут, тирикчиликдан ками йўқ. Учта боласи бор. Ўзи ўзбекчани эсидан чиқариб юборибди.Мен билан ўрисча гаплашди. Битта соғин эчкиси, тўртта қанор қоғдек чўчқаси, ўнтача чўчқачалари бор экан. Қиш забтига олганда шу молларини ҳам уйига опкириб олишаркан. Бўчка-бўчка самогон-ароқ ясаб, қиши билан ичишаркан. Қишлоқдагилар тоғамни «Бўрихон» демай, «дядя Боря» деб чақиришар экан.

Бу гапларни эшитиб кампир ер ёрилмадию кириб кетмади. Боласи тушмагур-эй, қўшни хотинларнинг олдида шу гапларни айтиб ўтирибди-я! Бировга сўзини бермайдиган эррайим кампирнинг шохи синди, остона ҳатламай уйда муқим ўтириб қолди.

Қачонгача чилла ўтираман, деб кампир бугун қизиникига отланиб қолди. Кампирнинг ниятини сезган Қоракўз остонага бориб ўтириб олди. Яқин бир ойдан бери ҳеч қаёққа бормаган Қоракўз ўзида йўқ шод эди. Бошини бир томонга эгиб ирғишлар, тезроқ чиқмайсизми, дегандек ҳар хил овоз чиқариб ғингшириди.

Кампир шошилмасди. Ўсма экилган бир бўйра ер олдида чўнқайиб, ўсмаларнинг серсув, бўлиқ баргларини тагидан кертиб узарди. Охири кафти ўсмага тўлгач, райҳоннинг гул отмаган шохларидан синдириб олиб, ўсмага қўшиб дастрўмолига ўради. У қиз невараларига, келину қизларига албатта ўсма олиб борарди.

Ниҳоят, кампир тугунини қўлтиқлаб чиқди. Қоракўз ўтирган жойидан бир сапчиб кўча томон отилди. Кампир унинг кетидан бораркан, ҳой, мунча шошасан, секинроқ юр, деб жаврарди.

Қоракўз унинг гапига тушунгандек кўча ўртасида тўхтаб орқасига қарайди. Кампир етиб келгунча яйраб қулоғини қашлайди. Бир қулоғини диккайтириб, биттасини шалпайтириб эркалик қилади. Орқа оёғида туриб бир-икки айланади. Кампир етиб келиши билан яна ўйноқлаб югуриб кетади. Йўлда учраган мушукларни тиракайлатиб қувиб, ним қизил тилини осилтирганча ҳансираб қайтиб келади. Дарахтлардаги мусичаларга ирғишлаб акиллайди. Ариқдан шапиллатиб сув ичади. Баъзан йўл четига чиқиб, пахса девор тагини ҳўл қилиб қайтади. Велосипед миниб ўтган болаларга эргашиб узоқларга кетиб қолади.

Кампир унинг қилиқларига андармон бўлиб йўл юрганини сезмайди. Қоракўз донлаб юрган товуқларни қақағлатиб, тўрт тарафга тўзғитиб юборади. Йўлда учраган итлар билан искашиб, қувлашмачоқ ўйнайди. Кўча бетидаги уй остонасида тинмай акиллаётган каламушдек кучукни тупроққа қориштириб булғалади. Ариқ бўйидан қўпориб ташлаган тўнгак соясида ётган бўрибосар итга ҳам зўрлик қилмоқчи бўлганди, таъзирини еди. Бўрибосар унинг гарданидан тишлаб улоқтириб ташлади. Йўл ўртасига бориб тушди, тупроққа қоришди.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

— Ҳой, жинни, сенга ким қўйибди отанг тенги ит билан олишишни!

Қоракўз унга қарай олмади. Йўлнинг буёғига маъюс алпозда, югурмай оҳиста кетди. Барибир Қоракўз ит-да, итлигини қилади. Бир қора итнинг думини ҳидлаб, очиқ турган эшикдан кириб кетди. Бир оздан кейин унинг вангиллагани эшитилди.

Эшикдан чиқаётганда ичкаридан отилган эски туфли қоқ белига тушди.

Катта йўлга чиқишди. Бу йўлнинг ўнг ёғи Чирчиққа, чап ёғи Тошкентга олиб боради. Олдинлаб кетган Қоракўз, қаёққа юрайлик дегандек кампирга қаради.

— Абдумалик акангникига борамизми, Дилбар опангникигами? Дилбар опанг домда туради. Итдан ҳазар қилади. Сени уйига киритмайди. Энди нима қиламиз? Майли, шуникига борайлик. Ётиб қолмаймиз. Чиққунимча ҳовлида болалар билан ўйнаб турасан.

Қоракўз бу гапларга тушунади. Ҳар гал кўча бошига келганда албатта кампир шу гапларни такрорлайди.

Олисдан баланд иморатларнинг қораси кўринди. Қоракўзнинг сабри чидамади. Илдамлаб кетди. Кампир унга етолмай ҳаллослаб қолди. Қоракўз югуриб эмас, ғилдираб кетаётганга ўхшайди. Бир зумда кўринмай кетди.

Учинчи қаватнинг болахонасида ўйнаётган болалар Қоракўзни кўриб, бувим келяапти, деб қийқиришди. Тапир-тупур қилиб зинанинг икки поясини битта қилиб пастга югуриб тушишди. Биттаси Қоракўзга конфет, биттаси сергўшт суяк берди. Бирпасда ҳовли болаларга тўлиб кетди. Қоракўзнинг бошини, орқасини силашди. У эркаланиб туриб берди. Болахонада Дилбархон кўринди. Онангиз келяпти, деган хушхабар олиб келган Қоракўзга меҳр билан бокди. Унга оқ қанд ташлади.

Ниҳоят, ҳансираб кампир етиб келди. Болаларга қурт, ёнғоқ, туршак улашди. Қоракўз ҳам умидвор бўлиб қўлига қаради.

— Сенга йўқ, бевафо! Мени йўлга ташлаб кетгансан. Орқангдан ҳаллослаб югуриб, тилим оғзимга сиғмай қолди.

Қоракўз гуноҳкорона бош эгиб турди. Кампир конфет ташлади, Қоракўз илиб олдию қувончдан ҳовлини шамолдек айланиб чиқди. Кампир қизи билан кечгача эзилиб гаплашди. Ўғлини эслаб кўз ёш ҳам қилиб олди. Қумринг бетолелигидан, мен бир бало бўлиб кетсам, у шўрлик нима бўлади, деб афсус-надоматлар қилди. Гап орасида Қоракўз эсига тушиб, овқат-повқат бердингми, деб сўраб қўярди. Кампир аср намозини ўқиб, кетишга шошилди.

— Энди кетай, шом намозини уйинамда ўқирман.

— Овқат қилаяпман, ойижон, еб кетинг. Бир кечагина ётиб кетсангиз нима бўлади. Уйингизни бўри еб кетармиди!

Кампир тугунини қўлтиқлаб пастга тушди. Ҳовлида болалар билан яйраётган Қоракўзнинг кетгиси келмайди. Болалар туфлаб улоқтирган калтакни ўтлар орасидан топиб келади.

Кампир йўлга тушди. Қоракўз эркаланиб, ирғишлаб гоҳ ундан ўзиб, гоҳ орқада қолиб қулоғини қашлайди.

Уйда Саодат аянинг йиллаб қалбида қалашиб ётган ғуборларини тарқатадиган, кўксидан тоғдек босиб ётган армонларини ушатадиган оламшумул бир янгилик кутиб турарди.

У уйига яқинлашганда эшиги олдида уёқдан-буёққа шошиб юраётган одамларни кўриб, юраги ҳапқираб кетди. Қадамини тезлатди. Эшик олдида турганлар унга қуллуқ бўлсин, севиниб қолдингизми, қариганингизда дилингизга ёруғлик тушгани муборак бўлсин, дейишарди.

Кампир ҳажга кетаётганларга пенсиядан йиққан пулларини «Ҳожи бадал» учун бериб юборган эди. Ҳаж қабул бўлди, деган хушхабар келган бўлса керак, ўзингга шукр, Аллоҳим, деб остона ҳатлади.

Шохига катта лампочка осилган тут тагидаги супада ёши олтмишлардан ошган бир нотаниш одам ўтирарди. Унинг кўзлари... бундан ўттиз икки йил олдинги Бўрихоннинг кўзлари эди. Кампир, вой болам, деб унга талпинди. Супага югуриб бордими, учиб бордими, билмайди. Бағрида ўғлини кўрди. Ундан ароқ ва шам ёқилган уйнинг ҳиди келарди. Кампир буни сезмасди. Ғойибининг ҳозир бўлганидан маст-аласт эди. Карахт эди. Бахтиёр эди. Ўғлининг бошларига, елкаларига кўз ёшлари тўкиларди.

Ўғли унинг бағридан чиқишга уринар, аммо кампирнинг қоқ суяк, чайир қўллари уни бўшатмасди.

— Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот и приехал, хватит, хватит, — дерди ўғли.

Она бу гапларни эшитмасди. Эшитганда ҳам барибир тушунмасди.

Кампир хушини йиғиб боласини бағридан бўшатди. Серрайиб турган Қумрига:

— Нага бақрайиб турибсан, Раҳмон қассобни чақир, боламнинг оёғи тагига оғилдаги қўйни сўйсин! Қўшнисиникида телефон бор, ака-укаларингга, сингилларингга, акам келди, деб хабар қил! — деди.

Қоракўз кампирнинг оёғи тагига ўтириб олган, бу нотаниш одамга ғашлик қилиб тинмай ирилларди.

— Қаёқларда юргандинг? — деди кампир ўғлига. Ўғли онаси нима деяётганини тушунмай елка қисди. — Тушунмадингми? Сен бошқа одам бўлиб кетибсан.

Кампир унинг юзларига қараб эзилиб кетди. Қариб, адойи тамом бўпти. Башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги қолмабди. Эллик бир ёшда етмиш яшар чол бўлиб қўя қопти.

Раҳмон қассоб аллақаёққа тўйга кетиб қолган экан, топиб келишди. Кўча томонда қўш машинанинг гуриллагани, ўғил-қизларининг овозлари эшитилди.

Абдумалик қўй етаклаб кирди. Қизлари, қуёвлари картон қутиларда, халталарда мева-чева, олма-узум кўтариб киришди. Бир зумда ҳовли гавжум бўлиб қолди.

Бўрихон укаларини ҳам, сингилларини ҳам танимади. Улар ҳам буни танишмади.

Бўрихон бегона уйга кириб қолган одамдек қовушмай турарди. У укаларига, сингилларига нима дейишни билмасди. Тўғри, нима дейишни биларди. Аммо, тил билмаса нима қилсин? Ўйлаб-ўйлаб, «Салям!» деди. Жигарлари кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай ҳайрон туриб қолишди.

Қассоб оғилдан каттакон, боқувдаги қўйни судраб чиқди. Бўрихоннинг оёғи тагига ётқизиб, укам, кани бир фотиҳа беринг, деди. Э, дарвоқе, ўзбекча билмаслигингизни эсимдан чиқарибман, қани, омин денглар, кампир энамизнинг умрлари узун бўлсин, ғойиблари ҳозир бўлгани рост чиқсин, омин!

Қассоб шундай деб қўйнинг бўғзига пичоқ тортди.

— Ну зечем, зачем? — деди Бўрихон. — Ведь барана жалько, все равно я столько мясо не ем! У нас баранина не едят.

То ярим кечагача кампирнинг ҳовлиси тўйхонага

2

айланиб кетди. Тарқаш пайтида Абдумалик акасини меҳмонга таклиф қилди.

Ҳовли жимиб қолди. Қумри она-болага супага жой солиб берди. Кампир боласига тикилиб мижжа қоқмади. Бўрихон жиянлари олиб келган арокдан тўйгунича ичган эди. Оғзидан гуп-гуп ароқ ҳиди келиб турибди. Кампир рўмолининг учи билан бурнини беркитганча ўтирибди. Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир. Қариб кетибди, сочлари тўкилиб, бошининг ярми ялангочланиб қопти. Кўп ичадиган одамлардагина бўладиган захил бир бефайзлик зоҳир эди унинг юзларида. Кўзларининг таги салқиган, тишлари тамакидан жигарранг тусга кирган. У отаси ўтган уйда, туққан онасига, жигарларига бегона бўлиб бепарво ётибди.

Саодат кампир уни чақалоқлигида худди шу супада бешикка белаб тебратарди. Уч ёшга киргунча шу супада бағрида олиб ётган эди. Бўрихон дўмбоққина бола бўлганди. Уни ёмон кўздан асрасин, деб кийимларига тумору кўзмунчоқлар тақиб қўярди. Султонимга атаб унга кокил қўйганди. Олти ёшга тўлганида уни эр-хотин Туркистонга олиб бориб ҳазрат Яссавий мақбарасининг шайхига атаганларини бериб, кокилини кесдиришган, қўй сўйиб худойи қилишган эди.

Бўрихон у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Шунда... шунда унинг ўстидаги оқ чойшаб сирғалиб елкалари, кўкси очилиб қолди. Кампирнинг баданидан чаён ўрмалагандек сесканди. Ўзини орқага ташлади.

Бўрихоннинг бўйнидаги занжир учида бут ялтирарди. Кампирнинг кўзлари тинди. Бир дам уни шуур тарк қилди. Телбадек сапчиб ўрнидан турдию айвон томонга чекинди.

Бўрихон армия хизматини ўтагандан кейин ҳам уйга қайтмади. Ўрмон ичкарисидаги қишлоқ бутхонаси қўнғироқчисининг эрдан қолган қизига ошику беқарор бўлиб қолди. Қаллиғининг отаси, бошқа диндаги одамга қизимни бермайман, деб туриб олди. Қиз Бўрихонни христиан динига киришга ундади. Ишқ-муҳаббатдан кўзини парда босган Бўрихон ҳеч иккиланмай рози бўлди. Уни черковда чўқинтиришди. Кейин черков оқсоқоли келин билан куёвга тож кийдириб, никоҳ ўқиди.

Ана шундан кейин Бўрихон хотини, қайнонаси билан ҳар куни черковга бориб чўқинадиган бўлди. Қайинотаси ўлгандан сўнг унинг ўрнига черков қўнғироқчиси этиб қўйишди. Нимаики иш бўлса, барини шу бажарадиган бўлди. Пилиги сўхта бўлган шамларнинг учини қайчилайди, ёниб тамом бўлганларини алмаштиради.

1970 йилнинг кеч кузида бир мусулмон боласи диндан чиқди...

Оҳ, отагинаси тирик бўлганда шу супа устида болта билан чопиб ташлардия! Кампир айвон томон тисарилиб борар экан ана шундай ўйларди. У айвонга етолмай ҳушидан кетиб йиқилди. Қоракўз унинг атрофида улиб айланарди. Қумри ётган уйнинг эшигини тимдалаб, уни уйғотмоқчи бўлди. Қумри уйқусини бузган итни қарғай-қарғай ҳовлига чиқди. Қоракўз унинг этагидан тортиб кампир ётган жойга судради. Қумри онасининг беҳуш ётганини кўриб қўрқиб кетди. Қариб, муштдеккина бўлиб қолган онасини даст кўтариб айвонга олиб чиқди. Боши остига ёстиқ қўйиб, сув ичирди. Елкаларини уқалади. Кампир кўзини очди.

Ҳали тонг ёришмай туриб Абдумалик машинада келиб акасини олиб кетди. Унга Тошкентнинг мустақилликдан кейинги манзарасини кўрсатмоқчи, Чорсу бозоридан унинг болаларига совға-саломлар олиб бермоқчи эди.

Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлдими, бўлмадими, барибир эди. У ўзга юртнинг фуқароси, ўзга эътиқоднинг сиғиндиси эди. Туғилган юртга муҳаббат туйғуси уни тарк қилганига кўп йиллар бўлган. Она тили қадим-қадим замонлардаёқ унутилиб кетган Шумер тили қатори туманлар орасида қолиб кетганди.

Эрталаб кампир ҳеч нарса бўлмагандек ўрнидан турди. Қумри қараса, онасининг қолган қора сочлари ҳам бир кечада оқариб, ажинлари кўпайиб кетибди.

Қумри онасининг нега бунақа бўлаётганини билиб турарди. Боя акаси тонг ёришмай ҳовли этагидаги ёнғоқ тагида деворга қараб чўқинаётганини кўриб ҳайрону лол бўлиб қолганди. Аёллар умуман титимсак халқ бўлади. Акаси Абдумалик билан ҳовлидан чиқиб кетгач, ичкари уйда турган чемоданини титкилади. Шунда сариқ бахмалга ўралган бир нарсага кўзи тушди. Ушлаб кўрди. Қутичага солинган нарса тўппонча эмасмикан, деб бахмал тугунни ечиб қаради. У христианларнинг муқаддас китоби Инжил эди. Уни ушлаган қўллари куяётгандек шошиб яна бахмалга ўраб қўйди.

Кампир бомдод намозини ўқиётиб, ҳар саждага бош қўйганида жойнамозга кўзёшлари томарди. У жойнамоз бурчагини қайириб, эрига атаб Қуръон тиловат қилди. Бахти чопмаган Қумрига бағишлаб, шу фаррихтагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижолар қилди. Ғойибдан ҳозир бўлган ўғлининг номини тилга ҳам олмади.

Саодат ая шу боласига тўлғоқ тутаётганда офтоб чарақлаб турарди-ю, шаррос ёмғир ёғаётган эди. Деразадан ҳовлига қараб турган доя хотин: «Бўри болалаяпти», деганди. Шунинг учун ҳам у ўғлига Бўрихон деб исм қўйганди. Орадан эллик бир йил ўтиб, бу болани мен эмас, бўри туққан экан, деган хаёлга борди.

— Ойи, кийинасизми? Абдумаликнинг машинаси ҳозир келиб қолади. Ўғлингиз тайинлаб кетган.

— Ўзинг боравер, мен шу ерда қоламан, — деди кампир.

— Ахир, акам кечқурун поездга чиқади. Хайрлашмайсизми?

— Ўзи келган, ўзи кетаверади. Машина келса, чемоданини ташлаб қўй. Бу уйга энди қайтиб келмасин, — деди кампир қатъий қилиб.

— Ойижон-ей, жуда қаҳрингиз қаттиқ-да! Бугун кетади, қайтиб кўрамизми-йўқми, болам-бўтам, деб кузатиб қўя қолсангиз, нима қилади-я! — деди зорланиб Қумри.

— Бу болани мен эмас, бўри туққан...

Кўчадан машина овози келди. Қоракўз ўқдек отилиб чиқиб кетди. Бир оздан кейин кампирнинг невараси Абдунабининг атрофида гир айланиб кириб келди.

— Ия, ҳали ҳам кийинмай ўтирибсизми? Уйимиз қариндошуруғларга тўлиб кетди. Дадамнинг ўртоқлари ҳам келишган. Қани, бўла қолинглар!

— Мен бормайман, — деди кампир қатъий оҳангда. — Қумри боради. Чемодани ўлгурни ҳам ола кетинглар.

— Ия, қизиқ бўлди-ку! Амаким бугун кетадилар-ку!

Кампир индамай уйга кириб кетди, кейин деразадан бошини чиқариб:

— Сен боравер, болам. Мен билан ўтириб қон бўлиб кетдинг. Жигарларинг билан бирпас ёзилиб келасан, — деди Қумрига.

Машина кетди. Кампир ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи қолди. Унинг кўксига аллақайдан келиб тушган бир парча муз кечадан бери эримай, вужудвужудини қақшатарди.

У уйга кириб тугун кўтариб чиқди. Ундан Бўрихоннинг гўдаклигида, болалигида кийган кийимларини олиб қаради. Илгари кампир баъзи-баъзида бу кийимларни ҳидлаб йиғларди. Энди кўксидаги муз уни йиғлашга қўймади. У ҳовли ўртасига хазон тўплаб гугурт чақди. Гуриллаб ёнаётган гулханга Бўрихоннинг кийимларини бирма-бир ташлай бошлади. Гулханда Бўрихоннинг болалиги ёнарди. Қоракўз гулхан атрофида айланар, гоҳ аланга тафтига чидолмай нари кетарди. Бир бўхча кийим зум ўтмай ёниб кулга айланди. Шамол куйиндиларни ҳовлининг тўрт тарафига учириб кетди.

Қумринг кўнгли бир нимани сездими, кўча бошига етмай машинадан тушиб қолди. Уйга келганда онаси кафтини иягига тираб, қимирламай ўтирибди. Қоракўз унинг хаёлларига шерик бўлгандек, у ҳам олд оёқларига даҳанини қўйганча кўзларини юмиб, қимирламай ётибди. Қумри уёқ-буёққа қаради. Ҳовлидан куйган латта ҳиди келяпти. Қўшнилардан бирортаси эски-тускиларни ёндиряпти шекилли, деб ўйлади. Ҳовлининг суқрадек жойи қорайиб қолганини кўриб ҳайрон бўлди. Яқин бориб қараса, қорайган ерда болалар қўйлагига

Ҳадиси шарифдан:

«Жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвондан бири бу — «Асҳоби каҳф»нинг вафодор итидир».

«Ал-жоме ал-Кабир»

қадаладиган ўн-ўн бешта қовжираган тугма сочилиб ётибди. Қумри нима бўлганини билди. Ичидан зил кетди.

— Ойи, — деди у, — нима овқат қилиб берай? Эрталаб ҳам ҳеч нарса татимадингиз. Бунақада толиқиб қоласиз-ку.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

— Иштаҳам йўқ, болам. Ичим тўла муз. Танамга аста тарқалаяпти.

Қумри қўрқиб кетди.

— Кўп куйинманг энди, бўлар иш бўлди. Худонинг иродаси бу.

— Э, қизим-а, бола туғмагансан-да, билмайсан!

Кампир қизига ҳеч қачон «туғмагансан» деб айтмаган. Айтса, таъна қилаётгандек бўларди. Қизининг шундоқ ҳам дарди ичида. Бу гапни бегона айтса, чидаш мумкиндир. Аммо ўз онанг айтса, юрагингни кимга очасан?

Қумри онасининг гапини малол олмади.

— Фарзанд доғи ёмон бўлади, болам.

— Ахир акам тирик-ку, шукр қилмайсизми?

Кампир унинг гапини чўрт кесди.

— У йўқ энди!

Кампир сўзини охирига етказа олмай ёнбошига беҳуш йиқилди. Қоракўз безовталаниб сапчиб туриб кетди. Қумри онасини кўтариб кўрпача устига ётқизди.

Эшик тақиллади. Қоракўз дарвоза томон югурди. Қумри онаси билан овора эди. Ҳовлига маҳалла мачитининг имом-хатиби билан мутаваллиси кирди. Кампирнинг аҳволини кўриб, бир-бирига қараб олишди.

— Қизим, — деди мутавалли, — бемаврид келиб қопмиз. Онахондан суюнчи олмоқчи эдик.

Улар айвон олдига келишди. Сўнгги нафасини олаётган кампирга:

— Онажон, кеча муборак ҳаж сафаридан қайтдик. Сизнинг ҳажингиз қабул бўлди, — дейишди.

Имом-хатиб Саодат аянинг «Ҳожи бадал» бўлгани тўғрисидаги ҳужжатни узатди. Кампир қўлини кўтара олмади. Кўзини аранг очиб, ўзингга шукр, Аллоҳим, дея олди, холос. У қизига бир нима демоқчи бўлган эди, тили калимага келмади.

Қумри унинг нима демоқчилигини билди. Югуриб уйга кирдию иккита оҳорли тўн кўтариб чиқди.

— Ойим шу кунга атаб сақлаб юрган эдилар.

У шундай деб икковининг елкасига тўн ташлади.

Кампир икки кун шу алпозда ётиб, сал ўзига келгандек бўлди. Тилга кирди.

Аслини олганда, унинг умри тугаган эди. Бу хушхабар унинг тугаб бораётган умрига умр улаган эди. Бу ҳол шамнинг ўчиш олдидан бир лоп этишига ўхшарди.

— Укаларингни, сингилларингни чақир! Васият қилиб қўяй. Сен қўрқма, қизим. Ўлим ҳақ. Бу жон дегани Аллоҳнинг тандаги омонати. Ундан қочиб қутилиб бўлмайди. Пуф этади-ю чиқади-кетади.

Кампирнинг болалари етиб келишди. Қумри онасининг орқасига ёстиқ қўйиб берди. Қатор ўтирган болаларига, невараларига қарар экан, кампир мамнунлик билан:

— Худога шукр, тобутим олдида борадиган ҳассакашларим кўп экан, — деди. — Эшитинглар, болаларим. Абдумалик, энди буларга сен ота ўрнида оталик қиласан. Қумри, қизим, энди сен менинг ўрнимга қоласан. Абдунабини шу ҳовлида уйлантиринглар. Йилимни қутиб ўтирмай тўй қилаверинглар. Шундоқ қилсаларинг арвоҳим шод бўлади. Абдунаби келин билан Қумринг олдида қолсин. Шу уй уники. Онам гўрида тинч ётсин, десанглар Қумрини асло ёлғизлатиб қўйманглар.

Кампирнинг лаблари қуруқшади. Қумри пиёладаги сувга пахта ботириб оғзига томизди.

— Шошиб турибман, болаларим. Мени оталаринг олдига олиб кетишга келишяпти. Энди буёғини эшитинглар. Ҳамма тадоригимни кўриб қўйганман. Йилим ўтгунча бўладиган маросимларга етарли пулни Қумрига бериб қўйганман. Қизим, қулоғимдаги зирагимни, махси-ковушимни ғассолга бергин. — У энгиги айтмоқчи бўлган гапидан ийманди шекилли, жилмайди. — Азага келганлар олдида хунугим чиқиб ётмайин, қошимга ўсма...

Кампир шу жилмайганча ичидаги муз эримай осонгина жон берди.

Ҳовлига тумонат йиғилди. Унга «ҳожи она» деб жаноза ўқишди. Тобутни кўтаришаётганда Қоракўзни қабристонга бормасин, ёмон бўлади, деб қўшнининг ҳужрасига қамаб кетишди.

Кампирнинг қирқи ўтгандан кейингина ҳовлидан одам оёғи товсилди. Эгаси кетиб файзи йўқолган ҳовлида Қумри ва Қоракўз мунғайиб қолишди.

Бир кун Қоракўзнинг мижжаларида ёш кўриб Қумринг юраклари эзилиб кетди. Қоракўзга қўшилиб у ҳам йиғлади. Аста қўл юбориб унинг бошларидан силади. Олдин бу итни жинидан ҳам ёмон кўрарди. Неча марта косов билан урган. Оёғи остида ўралашганда тепиб юборган. Қоракўз ҳам уни ончалик суймасди.

Ана энди икки мунглиғ бир-бирига қараб юм-юм ёш тўкишяпти.

Қоракўз энди кечалари дайдиб кетмай қўйди. Ҳар куни ҳали тонг ёришмай туриб (у кампир бомдодга турганда уйгониб кетарди), кампирнинг болаларидан иккитаси Тошкентда, биттаси Чирчиқда, иккитаси Қибрайда яшайди. У тонг отгандан то кун боттунча ҳаммасининг уйига борарди. Кампирни тополмай ҳориб-чарчаб қайтиб келади.

Бугун ҳам тонг саҳардан Қоракўз чиқиб кетди. Пилдираганча Чирчиқ томонга йўл олди. Кимёгарлар шаҳарчасида кампирнинг кенжа қизи туради. Ўғли магнитафон жинниси. Ҳамманинг овозини тасмага ёзиб юради. Шу йил баҳорда бувисининг овозини ҳам билдирмай ёзибди. Ўшанда кампир супада ўтириб, аллақаёқларда дайдиб келган Қоракўзга танбеҳ бераётган эди.

Қоракўз Кимёгарлар шаҳарчасининг энг чеккадаги «дом»ига етиб келганда кампирнинг невараси шиша банкада сут олиб келаётган эди. Қоракўз унга думини ликиллатиб ялтоқланади. Унга эргашиб учинчи қаватга чиқди. Уйга кирмай қайтиб тушди. Бир оздан кейин кампирнинг овози эшитила бошлади. Қоракўзнинг қулоғи динг бўлди. Яқин икки ойдан бери йўқотган қадрдон кишисининг овозини эшитиб йиғлаётгандек ғингшиди. Қоракўз учинчи қаватга отилиб чиқди. Эшикни тимдалаб вовуллади. Яна қайтиб тушди. Болахонага қараб вовуллайверди, вовуллайверди...

Магнитафондан ҳамон кампирнинг овози келарди.

«Қоракўзгина, қаёқларда санқиб юрибсан? Ҳеч уйда ўтирасанми-йўқми? Қорнинг ҳам очгандир? Тентаккина, гапимга қулоқ сол, нега беозор мусичани қувасан?..»

Қоракўз акиллар. ерни тимдалаб орқасига тупроқ отарди.

Авжи саратон пайти. Ёз тунлари бир тутам, дейдилар. Кечаси билан чивинга ем бўлиб, уйқуга тўймаган одамларга тонг маҳали акиллаётган итнинг бу қилиғи малол келарди. Қутурган бу ит қаёқдан пайдо бўлди, уни йўқотиш керак, деб ўйлашарди.

Қоракўз одамларни жонидан безор қилиб, тинмай вовуллар, у ёқдан-бу ёққа югуриб акиллагани акиллаган эди.

— Дайди итларни тутадиганларни чақириш керак, — деди биринчи қават бол

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 2 fevral, seshanba № 13 (24.408).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Дори ўзигина даволамайди

Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари доктори, профессор Абдувоҳид Содиқов билан мулоқот

— Абдувоҳид ака, ўтган йилнинг ноябрь ойида Вазирлар Маҳкамасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Айтиш мумкинки, ушбу тадбир мазкур соҳадаги муаммолар ечимини ечиш йўлларини кўрсатиб берди. Сўрамоқчи бўлганим шуки, нега айнан 1998 йилга келиб соғлиқни сақлаш соҳасини давлат миқёсида кенг, атрофлича кўриб чиқиш керак бўлиб қолди?

— Очиғини айтганда соғлиқни сақлаш тизимида мустақилликдан кейинги даврда юзага келган камчилик ва муаммолар ҳақли равишда одамларни ранжитиб қўйганди. Бу соҳа шу кун талабига жавоб бериши зарур бўлиб қолди ва ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган йиғилишда соғлиқни сақлаш дастури лойиҳасининг кенг муҳокамаси бўлиб ўтди.

Умуман, мазкур тармоқни ислоҳ қилишдаги биринчи қадам 1996 йилда қўйилган эди. Қишлоқ инфратузилмаси ривожлантиришга бағишланган қарорнинг қабул қилиниши жойларда қишлоқ врачлик пунктлари ишини жонлантиришга катта туртки бўлди. Қисқача айтсам, соғлиқни сақлаш тизимини кенг ислоҳ қилишга фурсат етилганди. Агар бу ишлар эртароқ бошланганда бунга халқ ҳам, база ҳам тайёр эмас эди. Беморларга тиббий ёрдам хизматини замон талаби даражасига кўтаришга вақт етилганди ва юртбошимиз ташаббуси билан соғлиқни сақлаш соҳасида туб бурилиш қилишга киришилди. Шулардан бири сифатида республика шошилинч тез ёрдам марказининг ташкил этилиши фикримиз далили.

— Худди шундай марказ вилоятда ҳам борми?

— Олмалиқ шаҳрида туманлараро шошилинч тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилади. Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу марказга ишловчилар танлов асосида қабул қилинади. Демак, ушбу марказда малакали шифокорлар хизмат қилишади. Уларнинг ,15-20 таси тажриба алмашиш ҳамда малакасини ошириш мақсадида Ҳамдўстлик мамлакатларидаги институтларга ўқишга юборилади.

— Вилоятда оналар ва болалар саломатлигини сақлашдаги аҳвол қандай?

—Бу борада қилинаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётир. Натижада оналар ва болалар ўлими вилоятда сезиларли даражада камайди. Авлодлар соғлом бўлиши учун аввало, она соғлом бўлиши керак. Шунинг учун биз оналар саломатлигини мустаҳкамлашга биринчи даражали аҳамият бермоқдамиз. Эътиборли далил айтсам. Вилоятда бир йилда туғилиш 4628 тага, ҳомиладорлик қарийб тўрт мингтага камайган. Нега шундай бўлди, деган табиий савол туғилади. Биринчи навбатда тушунтириш ишлари олиб борилгани бўлса, қолаверса оналар ҳам саломатликлари хусусида ўзлари қайғура бошлашди.

Тўғри-да, ҳар бир инсон ўзини асраши керак.

— Абдувоҳид ака, мутахассислигингиз бўйича сил касалликлари шифокори эксансиз. Айтингчи, вилоятда бу дарднинг олдини олиш борасида қандай ишлар қилинаётир?

— Олдини олиш, деган гапни кўп такрорлаймиз. Тўғри, дардни даволашдан кўра, унинг олдини олган яхши. Шундагина бемор кўп азоб чекмайди, тезроқ соғаяди. Вилоят ҳокимлигининг силга қарши кураш бўйича қарори чиққан ва штаб ишлаб турибди. Силни илк даврида аниқлаш муҳим. Шу маънода касалликнинг тарқалиши эҳтимоли бор жойлар — ошхона, буфет, боғчаларда ишловчиларни кўрикдан ўтказамиз. Қолганларни эса шикоятига қараб рентген қилдирамиз. Юқорида айтганимдек, касаллик вақтида аниқланса, даволашда ҳам юқори натижага эришилади. Таъбир жоиз бўлса, иқтисодий самара оламиз, деб ҳам айтишим мумкин. Вилоятда кейинги вақтда қарийб йигирма мингга яқин аҳоли флюрографиядан ўтказилди ва силнинг оғир формаси камайди. Бир сўз билан айтганда амбулатория-поликлиника хизмати ва сил касаллигига қарши курашда яхши натижаларга эришаяпмиз.

— Тараққиёт сайин тиббиётда ҳам ўзгариш бўлиши табиий ҳол. Демоқчиманки, даволаш усуллари ҳам ўзгаряпти...

— Тушундим. Илгари қўлига чўп кирса ҳам касалхонага келиб ётиб олишарди. Ҳозир эса ундай эмас. Чунки, амбулатория-поликлиника хизмати анча ўзгарди. Эндиликда бемор поликлиникаларда бемалол даволаниш имкониятига эга. Кундузги даволаниш стационарлари очилганлиги ўзининг натижасини бераётир. Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили беморларнинг 46,9 фоизи амбулатория-поликлиникага мурожаат қилишган. Бу ҳам кейинги вақтларда соҳада юз бераётган ижобий ўзгаришларга далилдир.

— Ҳамшираларнинг нўноқлиги ҳақида эшитиб қоламиз....

— Малакаси паст, ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳамшираларга бўлган талабчанликни оширдик.

— Шифокор малакасига кўп нарса боғлиқ...

— Албатта. Бошқармамизга қарашли тиббиёт муассасаларида 24 тиббиёт фанлари номзоди, 500 олий тоифадаги, 1124 биринчи тоифали шифокор элимиз саломатлиги йўлида хизмат қилишмоқда. Қаерда изланиш бўлса, ўша жойда тараққиёт бўлади. Жумладан, бизнинг соҳада ҳам шундай. Бошқа соҳаларни билмадиму, шифокор ҳамиша изланишда бўлиши, малакасини мунтазам ошириб бориши шарт. Чунки унинг хато қилишга ҳаққи йўқ.

— Соҳада қандай муаммолар бор?

— Дори-дармон таъминоти, тиббиёт моддий-техника базасини яхшилаш керак.

—Вилоят шифокорларидан қайси бирларининг номларини тилга олишни истардингиз?

— Беморлар дардига малҳам бўлаётган вилоят марказий шифохонасидан болалар невропотологи Дилором Тошбекова, Чирчиқ шаҳар касалхонаси бош шифокори Тамара Саидалиева, Олмаликдан Эгамберди Маннопов, сил касалликлари диспансеридан Мухтор Қуронбоев, онкология диспансеридан Ёқуб Юсупов, Бекобод туманидан Ҳусан Тўрабеков сингари шифокорларимиз номини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим.

— Спортнинг қайси турига қизиқасиз?

— Ёшликда боксдан калтак еганман. Ҳозир эса сузиш ва югуришни яхши кўраман.

— Абдувоҳид ака, оддий шамоллашда ҳам ҳадеб дори ичавериш яхшими?

— Йўқ. Шамоллашни даволашнинг оддий, табиий усуллари кўп. Қачонки, иссиқлик 38 даражадан ошсагина дори ичиш керак. Чунки, дорининг салбий таъсири ҳам бор. Шунинг учун уни қачон, қанча миқдорда ичишни билиш керак. Албатта, бунда ҳам шифокор тавсиясига кўра. Хулоса шуки, дори фақат ўзи даволамайди. Одам боласи ширин сўз гадоси. Бир оғиз ширин сўз билан беморнинг кўнглини олиш доридан-да кучли таъсир қилади.

— Дори тўғрисида гап очилиб қолди. Ҳозир хусусий дорихоналар кўп. Лекин, уларнинг ишидан аҳоли хурсанд эмас. Нега?

— Чунки, дори-дармонларнинг сифатсизлиги ва нархининг қимматлиги ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Яқинда вазирлигимизда селектор орқали бўлиб ўтган мулоқотда шу масала кўтарилди ва дори-дармонлар сотишда қатъий тартиб ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Суҳбатдош: Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Бир аср яшабманми-а...»

Юз билан юзлашган

Гўзал БАХТИЁР қизи

Ҳаёт жуда тезкор. Кечагина чопқиллаб юрган жажжигина қизалоқ бугун бир этак набиралари қучоғида 100 ёшни қарши олиб турибди. Бу умри узун момо Шодмоной Абулқосим қизи Қашқадарё вилоятининг У. Юсупов туманидаги Миришкор қишлоғида умргузаронлик қилиб, халқнинг қувончи-ю, ташвишига бирдек шерик юрадилар. Шодмоной момонинг Камолбой исмли 72 ёшли ўғли, Тошхон исмли 67 ёшли қизлари ҳам аллақачон ширин-шакар набиралари бобожониси ва бувижониси бўлиб қолишган. Шодмоной момонинг турмуш ўртоғи вафот этганда ўғли 9, қизи 5 ёшда эди. Хокисор она бу гўдакларни ўз ҳалол меҳнати билан едириб, кийинтириб вояга етказди. Момо ҳаётнинг аччиқ-чучугини, заҳмати ва роҳатини ҳам кўрди. У ўз набира ва эвараларига ўтмишини, қишлоғида бўлган очарчилик азобларини, маҳалла аёллари қаторида Бухоро тарафларга ҳайровга юборилганини бетиним сўзлайди. Кичкинтойлар ҳам гўё бувиларини биров олиб кетиб қоладигандай атрофини тўлдириб, чуғурлашгани-чуғурлашган. Момо Миришкор қишлоғининг табаррук кексаларидан. Улар билан суҳбатлашиб мисоли ўтмиш билан юз кўришгандек бўламан. Шодмоной момога «100 йил умр кўрибсиз, бир асрга тенг» десам, хиралашган кўзларини бир оз қисганча, хаёлга берилиб — «бир аср яшабманми-а?» дейди ажабсиниб.

Унинг нуроний чеҳраси меҳнатдан қадоқ бўлган қўлларига қараб, босиб ўтилган умр йўлининг зое кетмаганига ишонч ҳиссини туяман. Авлоди катта бир маҳаллага сиғса сиғгудек. Унинг икки фарзандидан 15 набираси, 17 эвараси 3 та чевараси бор. Ҳар куни дастурхон атрофида дуога қўл очар экан, юрт тинчлиги, инсонлар меҳр-оқибати, элнинг яхши-ёмон кунида доим бирга бўлиш кераклиги ҳақидаги эзгу ниятлари ҳар бир киши қалбида ички нидо бўлиб жаранглайверади. Шодмоной момонинг ажиб ва ҳикматона сўзларини тинглар эканман, кўз ўнгимда бир асрлик инсон ва ҳаёт хотиралари қайта-қайта жонланаверади.

Ўзбекнинг номини улуғлаб...

Шундай бўлади. Нуфузли халқаро мусобақаларда ўзини кўрсатган спортчиларнинг қаердан, қайси юрт ўғлони ёки қизи экани ҳақида кўпчилик қизиқиб қолади. Фахримиз бўлиб турган Рустам Қосимжонов ҳақида ҳам Голландиянинг Вейк-Ан-Зее шаҳрида ўтказилган кучли шахматчилар анъанавий турнирида ана шундай фикр уйғонди. Муҳими, жаҳон чемпиони Г.Каспаровга рўбарў келиши, айниқса, муҳлисларни ҳаяжонга солди. Бу ўйин бой берилгани билан унинг сабоғи ўзгача экани ҳаммага аён эди. Рустамнинг мезбон Люк Ван Велини мағлубиятга учратиши унинг мавқеини мустаҳкамлашга имкон берди. Хуллас, у 8 дуранг, бир ютуқ билан 5 очко тўплаб 11-бўлди.

Ўринбосарлар мавсуми

Маълумки, мамлакат миллий чемпионати олий табақа жамоаларининг ўйинлари 18 март куни бошланади. Ўринбосарлар — биринчи лига жамоалари эса мавсумни 4 апрелда бошлайдиган бўлишди. Бу йилги тартибга кўра омади юришмаган 4 жамоа қуйи табақага туширилади. Уларнинг ўрнига олий табақада сўнгги ўринларни эгаллаган икки жамоа жойлаштирилади. Шундай қилиб, 2000 йил мавсумида биринчи табақада ҳам 16 та жамоа ўйнайдиган бўлади.

Муҳтарам фуқаролар!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эътиборингизга, янги «Даромад» номли 3 ойлик, қисқа муддатли депозит омонати жорий этилганлигини маълум қилади.

Бу омонат тури бўйича пул маблағлари Халқ банкининг барча бўлимлари томонидан қабул қилинади. Ушбу омонат турига Сиз ўз номингизга ёки бошқа шахс номига камида 5000 сўм миқдорида нақд пул маблағи қўйиб, омонатнинг сақланиш муддати тугагандан сўнг омонат қолдиғининг 5 фоизи миқдорида даромад олишингиз мумкин.

Ҳурматли фуқаролар! «Даромад» омонатини расмийлаштиришга шошилинг! Ушбу омонат бўйича Сиз яхшигина даромад эгаси бўлишингиз мумкин. «Даромад» қисқа муддатли омонат бўйича қўшимча маълумотларни Халқ банки бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:

173-86-80, 78-53-63

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Бошқаруви

Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси
1999 йил 12 ва 26 февраль кунлари соат 11.00 да кимошди савдолари ўтказади
Савдоларга қуйидагилар қўйилади:

1. Фуқароларнинг давлат фойдасига мусодара қилинган ва Тошкент шаҳар бош солиқ бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги автомобиллар

— «Шевролет-Корсика» русумли автомобили 1992 й., бошланғич нархи — **240000 сўм:**
— ВАЗ-21063 автомобили 1986 й., бошланғич нархи — **35000 сўм:**
— ВАЗ-21063 автомобили 1990 й., бошланғич нархи — **90000 сўм:**
— ВАЗ-21013 автомобили 1978 й., бошланғич нархи — **48827 сўм:**
— ВАЗ-21013 автомобили 1983 й., бошланғич нархи — **54000 сўм:**
— ЗАЗ-968 М автомобили 1988 й., бошланғич нархи — **20000 сўм:**
— ГАЗ-21 автомобили 1966 й.. бошланғич нархи — **24000 сўм:**
— ВАЗ -2102 автомобили 1980 й., бошланғич нархи — **21904 сўм:**
—ГАЗ-2410 автомобили 1989 й.,бошланғич нархи — **125000 сўм:**
— ВАЗ-2106 автомобили 1983 й., бошланғич нархи — **60000 сўм:**
— ВАЗ-2109 автомобили 1988 й.,бошланғич нархи — **137116 сўм.**

Юқорида кўрсатилган автомобиллар бўйича маълумот олиш учун 55-43-64 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

2. Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Темур Малик кўчасида жойлашган 16б -сонли (майдони 0,03га), Сирғали туманида Новосергелийская кўчасида жойлашган 45-сонли (майдони 0,04га) якка туртибда уй-жой қуриш учун ер участкалари. Бошланғич нархи — **224449 сўмдан**.

Сешанба ва пайшанба кунлари биржа савдолари ўтказади
Савдога қуйидагилар қўйилади:

Тошкент шаҳар Сирғали тумани давлат солиқ инспекцияси томонидан қўйилган ва давлат хазинасига қарздор бўлган:

«Мўйна» кичик корхонасининг:
— вагон-уйчаси, бошланғич нархи — **120000 сўм:**
— ИЖ-2715 русумли автомобили, бошланғич нархи — **80000 сўм.**
«Умарбек» кичик корхонасининг ВНП-кичик ғишт заводи, бошланғич нархи — **450000 сўм.**

Шу билан бирга давлат хазинасига қарздор ва иқтисодий ночор бўлган корхоналарнинг ҳар хил турдаги асбоб-ускуналари ҳам савдоларга қўйилади.

Кимошди савдоларида **юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин.** Ер участкаларига аризалар қабул қилиш кимошди савдосидан уч кун олдин тўхтатилади.

Тўловлар турли шаклларда амалга оширилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-уй, 1-қават, 1-хона.
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73

Шошилинг, бу сизнинг имкониятингиз!

Кичкинтой ва бўлажак оналар учун

Яқинда мамлакатимиз пойтахтида янги дўконнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Машҳур «Глобал трейдинг компани» Аёллар йилида бўлажак оналар ва кичкинтойлар учун маҳсулотлар сотиладиган дўконини очди. Бу маҳсулотлар юксак Европа сифатига эга.

Маълумки, мамлакатимизда болаларга катта ғамхўрлик кўрсатилаётир. 1997 йилнинг кузида биринчи дўкон очилишида компаниянинг бош директори Муниш Бхарат ана шундай дўконларни яна очамиз, деган эди. Ваъда бажариляпти. 150 квадрат метрли дўкон Сайилгоҳ кўчасининг муюлишида италиялик қурувчилар томонидан бунёд этилди.

Бу ерда минг хилдаги кийим-кечаклар бор. Биринчи бўлимда 2-7 ёшли болалар, иккинчи бўлимда 2 ёшгача бўлган чақалоқлар учун, кийим-кечаклар, ўйинчоқлар, аравачалар ва бошқа буюмлар сотилмоқда.

Суратларда: янги дўконда.

Валерий ХАРИТОНОВ олган суратлар

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 196-ўрта мактаб томонидан 1989 йилда Мирджалилов Баҳромжон Мирсобитович номига берилган № D 784347 рақамли тўлиқ ўрта маълумот ҳақидаги аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ,* навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 25.805 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
•
Г — 089

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА